

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

2024
5-son

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal

ISSN 2181-8274





Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal.
1996-yilda tashkil etilgan.

Tahrir hay'ati raisi:

M.Boltabayev

Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari
markazi direktori

Tahrir hay'ati raisi o'rinbosari:

M.Esanov

Bosh muharrir:

J.Usmanov

Tahrir hay'ati a'zolari:

L.Abduxalilova

L.Zaripov

S.Xudoyberdiyeva

R.Jo'raqulov

M.Aripov

B.Zaripov

U.Djumaniyazov

T.Axmedov

N.Toshpo'latova

S.Maxsumova

Dizayner:

S.Musamedov

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Dilshod Najmiddinov

BO'LAJAK IQTISODCHI KADRLARNING MALAKASINI SHAKLLANTIRISHDA
AXBOROT KOMPETENTLIGINING AHAMIYATI.....3

Малика Мурталибаева

ТУРКИЯНИНГ ЯҚИН ШАРҚ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ВА ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ГЕОСТРАТЕГИК
ЁНДАШУВЛАРИ8

Jamshid Qayumov

BENEFITS OF USING VIRTUAL LABORATORIES IN CHEMISTRY.....14

Otabek Raxmatov

BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARIDA AMALIY
KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI.....17

Samijon Xamroyev

TALABALARNI SPORT TO'GARAKLARIGA QIZIQISHLARINI
SHAKLLANTIRISHDA UZVIYLIK VA UZLUKSIZLIKNI TA'MINLASH
VOSITALARI.....21

Shokirboy Mamatov

SPORT FAOLIYATI MUTAXASSISLARINI KOMPETENTLI TAYYORLASHNING
DIDAKTIK ASOSLARI.....25

H.Турсунбаева

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МУСИҚА САНЪАТИ.....30

Sitora Xabilova

BO'LAJAK TARBIYACHILARNING KASBIY SHAXSIY SIFATLARINI
RIVOJLANTIRISH MAZMUNI.....34

Nozima Asadova

TARBIYAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISH TEXNOLOGIYALARINING ZAMONAVIY
USULLARINI TAKOMILLASHTIRISH37

Yoqubjon Mustafayev

BO'LAJAK BADMINTONCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI
RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARI.....41

Bunyod Bazarov

XORIJIIY TAJRIBALAR VA YUTUQLARNING TA'LIM TIZIMINI
TAKOMILLASHTIRISHDAGI AHAMIYATI46

Baxrom Nazaraliyev

DAVLAT VA NODAVLAT TELEKANALLARNING FUQAROLAR SIYOSIY ONGI VA
MADANIYATIGA TA'SIRI SWOT-TAHLILI.....48

Fotimaxon Mardonova

INSON HUQUQLARI TARAQQIYOT POYDEVORI.....57

Aziza Mamanova

TALABALARNI OMMAVIY JISMONIY TARBIYA VA SPORTGA JALB ETISH
MEKANIZMLARNI XORIJIY TAJRIBALAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH.....61

Kamola Pardayeva

TEXNOLOGIYALAR SHAROITIDA DIDAKTIK O'YINLAR ORQALI BOLALAR
NUTQINI O'STIRISH.....66

Halima Shukurova, Dildora Xo'jamqulova

YANGI AVLOD DARSLIK LARI AMALDA.....71

Чарос Мирхаликова

“РАЗВИТИЕ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СОВРЕМЕННОЙ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ КАК ФАКТОР УСПЕХА ЛИЧНОСТИ И ЕГО
ДУХОВНО-ЭМОЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ”76

Фарит Юзликаев

ПЕДАГОГИКА: НЕЙРО, ЦИФРОВАЯ И МОДЕЛИРОВАНИЕ.....81

Feruz Mustafokulova

“TEACHING GERMAN LANGUAGE TO THE STUDENTS OF NON-PHILOLOGICAL
HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS”85

Zaynura Kadirova

FILOLOGIK TERMINLAR BAZASINI YARATISH METODLARI.....88

Muassislar:

*O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vazirligi,
Oliy ta'limni rivojlantirish
tadqiqotlari markazi*

Manzil: 100095, Toshkent sh.
2-Chimboy ko'chasi, 96-uy.

Telefon: (71) 207-03-41

e-mail: rmxat@edu.uz

**Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligidan 2014-yil 26-dekabrda 0506
raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.**

*Jurnal har ikki oyda o'zbek, rus va ingliz
tillarida elektron shaklda chop etiladi.*

“Ta'lim, fan va innovatsiya”
jurnali O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining 2015-yil 18-noyabrda
218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 –
PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha,
2018-yil 28-noyabrda 247/6-sonli
qarori bilan 23.00.00 – SIYOSIY
FANLAR bo'yicha doktorlik
dissertatsiyalari asosiy ilmiy
natijalarini chop etish tavsiya etilgan
ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Ta'lim, fan va innovatsiya”
jurnalidan ko'chirib bosish faqat
tahririyatning roziligi bilan amalga
oshiriladi. Maqolada keltirilgan
faktlarning to'g'riligi uchun muallif
mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar
fikriga mos kelmasligi mumkin.

*Jurnalning to'liq matnini esijournal.uz rasmiy
saytidan yuklab olishingiz mumkin.*

*Maqola va murojaatlaringizni
[@esijournalbot](https://t.me/esijournalbot) telegram botiga yuboring.*

Антонина Кошелева

ПЕРЕДАЧА КУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ СРЕДСТВАМИ
ИНФОРМАЦИОННО - КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ.....91

Шахноза Сабирова

ИННОВАТИКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В ОБРАЗОВАНИИ ВУЗОВ
СФЕРЫ ИСКУССТВ И КУЛЬТУРЫ.....95

Charos Adilova

TALABALARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISHNING
PEDAGOGIK TALABLARI.....98

Botir Abdullayev

TALABALARNING KASBIY TAYYORGARLIGINI XORIJIY TAJRIBALAR ASOSIDA
TAKOMILLASHTIRISH.....102

Ulug'bek Navruzov

KELAJAK AVLODNING TA'LIM OLISHGA BO'LGAN QIZIQISHLARINI
RIVOJLANTIRISHDA USTOZNING ROLI107

Niyoxon Toshpulatova

BOSHLANG'ICH SINFLARDA STEAM – TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN
FOYDALANISHNING ZAMONAVIY USULLARI110

Surayyo Choriyeva, Sitara Otaqulova

TALABALARNI TA'LIMYIY QADRIYATLAR ASOSIDA PEDAGOGIK
FAOLIYATGA TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHDA
TEXNOLOGIYALARNING O'RNI114

Nazokat Iskandarova

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR BILISH FAOLLIGINI
RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK YO'LLARI.....118

Rohila Ma'ruffjonova

“BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA IRODAVIY SIFATLARNI
TARBIYALASH METODIKASI”122

Iroda Qarshiyeva

ABDULLA AVLONiy ASARLARIDA ODOB-AXLOQ VA TARBIYAVIY
MASALALARNING YORITILISHI.....127

Muxabbat Uralova

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHISINING KASBIY
TAYYORLANGANLIGINING IJODIY-METODIK KOMPETENTLILIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI131

Javohir Zokirov

O'QUVCHILARNING SO'Z BOYLIGINI OSHIRISHDA LEKSIK MASHQLARNING
AHAMIYATI135

Gulnara Jumayeva

KOMPETENTSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA MAKTAB O'QITUVCHILARIDA
KASBIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING SHARTLARI140

Maxfuza Babayeva

TA'LIMDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING
AFZALLIKLARI.....145

Nilufar Boynazarova

O'QITISHDA NUTQ MADANIYATING TURLI FAOLIYATINI O'RGANISH.....149

Zamira Erdanova

BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARIDA REFLEKSIY MADANIYATNI
RIVOJLANTIRISH152

Jo'rabek Jovliyev

ONA TILINI O'QITISHDA O'QUVCHILARDA MILLIY VA UMUMINSONIY
QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASHNING BUGUNGI KUNDAGI HOLATI VA
TAHLILI157

Lobar Muxtarova

O'QUV JARAYONIDA EKOLOGIK XAVFSIZLIK MADANIYATINI
SHAKLLANTIRISH KOMPONENTLARI161

Shermuhhammad Muhammadjonov, Fotima Radjabova

JISMONIY TARBIYA VA SPORT MENEJMENTINING VAZIFALARI.....166

Dilnoza Togayeva

YEVROSIYO MINTAQASIDA AMIR TEMUR STRATEGIYASI171

Elena Aripova

OVERCOMING CHALLENGES IN IMPLEMENTING AI-POWERED
GAMIFICATION.....175

Elena Aripova

THE IMPACT OF AI AND GAMIFICATION ON LANGUAGE EDUCATION.....178

KOMPETENTLIKNI TAKOMILLASHTIRISH TAMOYILLARI.....	806	<i>Xurshidabonu Mamatkulova</i> “KVANTITATIV SINONIMIYA: TIL, MADANIYAT VA KOMMUNIKATSIYA O'RTASIDAGI O'ZARO TA'SIRLAR”	883
<i>Marhabo Yakubova</i> UMUMTA'LIM MAKTAB O'QUVCHILARIDA KREATIVLIK KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH.....	809	<i>Nilufar Reyimbaeva</i> WEB FAOLIYATGA TAYYORLASH ELEKTRON RESURLARI YARATISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH MAZMUNI VA FUNKTSIYALARI	887
<i>Илхом Чориев</i> ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗРАБОТКИ СТРАТЕГИИ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ К ОСУЩЕСТВЛЕНИЮ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	812	<i>Zebo Davlatova</i> SHAXSNING KONFLIKTOLOGIK MADANIYATI: MOHIYATI, TARKIBIY UZVLARI VA DARAJASI.....	892
<i>Bekmurod Abdunabiyev</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARINI KASBIY FAOLIYATGA YO'NALTIRISHNING SAMARALI YO'LLARI.....	816	<i>Shahnoza Ahmadjonova</i> INNOVATIVE PEDAGOGICAL APPROACHES FOR ENHANCING CRITICAL THINKING IN HIGHER EDUCATION.....	895
<i>Жамиид Хамидов</i> ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДҚОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	819	<i>Ирода Рахмонова</i> ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАДҚИҚИ.....	898
<i>Javlon Zulxaydarov, Bekmurod Anorboyev</i> FUTBOL DARVOZABONINING OYOQ BILAN TO'P UZATISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH USULLARI.....	823	<i>Odina Olimjonova</i> MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA STRUKTURAVIY BOSHQARUVNI TASHKIL ETISH IMKONIYATLARI.....	903
<i>Зулфия Захидова</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	827	<i>Nargiza Jo'rayeva</i> “4K” KOMPETENSIYALARINING KONSEPTUAL ASOSLARI VA ULARNING ZAMONAVIY TA'LIM STANDARTLARIDAGI O'RNI	907
<i>Zufar Tohirov</i> TALABALAR MUSTAQIL TA'LIMINI TASHKIL ETISHDA SUN'IY INTELLEKT TEXNOLOGIYALARINING ROLI	833	<i>Ibodulloxon Soliyev</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA INSTITUTSIONAL MUSTAQILLIK TAMOIYLLARINI JORIY ETISHDA AKADEMIK OMILLARNING ROLI	913
<i>Xayrullo Shoimqulov</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARNING JISMONIY RIVOJLANISHIDA SYUJETLI HARAKATLI O'YINLARNING ROLI.....	837	<i>Sitora Tilyavova</i> GYNECOLOGICAL PROBLEMS AND THEIR SOLUTIONS....	918
<i>Parvina Saidjonova</i> DUAL TA'LIMDA INNOVATSION O'QITISH USULLARINING AFZALLIKLARI	843	<i>Raxim Shukurov, Rushana Narzullayeva</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA ADAPTIV JISMONIY TARBIYA MASHG'ULOTLARINING TASHKILY-USLUBIY XUSUSIYATLARI (KO'RISHDA NUQSONI BORLAR MISOLIDA)	922
<i>Dilyara Tuxfatullina</i> UMUMTA'LIM MAKTABI O'QITUVCHILARIGA UZLUKSIZ METODIK XIZMAT KO'RSATISHNING ZAMONAVIY MAZMUNI, MOHIYATI VA KOMPARATIV TAHLILI.....	849	<i>Gulnora Maxsudova</i> MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIM MUASSASALARIDA EKOLOGIK TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH	928
<i>Ulfat Rahmonov</i> O'QUVCHILARNING TABIIY FANLARGA OID KOMPETENSIYALARINI LOYIHA ISHLARI ASOSIDA RIVOJLANTIRISH.....	853	<i>Khilola Nigmatova</i> THE DEVELOPMENT OF THE ENGLISH LANGUAGE IN NEW METHODOLOGICAL METHODS.....	931
<i>Shoxrux Mamadboyev</i> TALABALARDA PEDAGOGIK JARAYONLARNI TASHKIL ETISH ORQALI FAVQULODDA VAZIYATLARDA HARAKATLANISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI	857	<i>Aziza Sharipova</i> METHODS OF STUDYING VOCABULARY AND PHRASEOLOGY. TECHNIQUES FOR ENRICHING STUDENTS' VOCABULARY	935
<i>Malika Ismoilova</i> PROFESSIONAL TA'LIMDA NIZOLARNI BARTARAF ETISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA	862	<i>Мадина Исмаилова, Ойшажон Озодова</i> СРАВНИТЕЛЬНО-СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РУССКИХ И АНГЛИЙСКИХ ПОСЛОВИЦ	939
<i>Iskandar Otabayev</i> PROFESSIONAL TA'LIM MUASSASALARIDA KREDIT-MODUL TIZIMINI JORIY ETISH IMKONIYATLARI.....	871	<i>Muyassar Xidoyatova</i> MATHEMATICAL FOUNDATIONS OF ASTRONOMICAL DATA PROCESSING	943
<i>Дилшод Рўзиев</i> ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИНГ РАҚАМЛИ МАЛАКА ОШИРИШ МУҲИТИДА ТИНГЛОВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	875	<i>Tamara Xo'janova</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA YOSHLARNI BUZG'UNCHI AXBOROTLAR TAJOVUZIDAN HIMOYA QILISH.....	946
<i>Дарья Абдалимова</i> ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТЛАРИДА ДАВЛАТ ВАЗИФАЛАРИ.....	879	<i>Jumagul Xalmuratova</i> TALABALARDA MUHANDISLIK TA'LIM SOHASI YUZASIDAN INTEGRATIV YONDOSHUV ASOSIDA KREATIV IMKONIYATLARINI RIVOJLANTIRISH	951
		<i>Lazzat Saydaliyeva</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI MASALA BILAN TANISHTIRISH ORQALI MATEMATIK BILIMLARINI TAKOMILLASHTIRISH	956
		<i>Nargiza Ravshanova</i> INFLUENCE OF PHRASEOLOGICAL UNITS ON LANGUAGE PROFICIENCY AND SMOOTH DEVELOPMENT.....	960

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Abdullayev A. "Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi" (2-jild) Darslik. Toshkent Navro'z nashriyoti, 2018.
2. Zulxaydarov J.A. (2023). Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini pedagogik ta'lim klasteri sharoitida shakllantirish. Integration of Science, Education and Practice in Modern Psychology and Pedagogy. Problems and Solutions, 4(1), 374-379
3. Zulxaydarov J.A. Ta'lim klasterlari: mazmun-mohiyati, soxada mavjud muammolar va ularni xalq etish yo'llari. O'zbekistonda oliy ta'lim. 2023-yil 4-son. 73-84 betlar.
4. Abdunabiyev B.A. Form, methods and tools of developing a healthy lifestyle of 8-9 class students. web of teachers: interdisciplinary research journal (Spain), Volume 1, issue 6 September, 2023 yil, 29-32 betlar.
5. Sabirov Aloviddin Abduraxmonovich. Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarning innovatsion kasbiy faoliyatini shakllantirishning uslubiy ahamiyati. Xalq ta'limi ilmiy metodik jurnali. 2023. 5-son. 174-177.

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Жамшид Хамидов,
Чирчиқ давлат педагогика университети
“Технологик таълим” кафедраси
катта ўқитувчиси**

Аннотация

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида “Технология” фанининг ўрни аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса фанни ўргатишда педагог ўқитувчилар учун бир қатор вазифаларни юклайди. Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида “Технология” фанининг тутган ўрни ва болаларнинг ижодкорлик қобилиятлар шаклланишидаги аҳамияти, технология дарсларида назарий билимлар билан амалиётнинг алоқадорлиги ҳамда ўқувчиларни ижодкор шахс бўлиб шаклланишлари учун лозим бўлган мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: мактаб, технология, шаклланиш, ривожланиш, қўриш-ясаш, машгулотлар, кўникма, малака.

Аннотация

Сегодня в общеобразовательных школах возрастает значимость предмета «Технология». Это возлагает на педагогов-педагогов ряд задач в преподавании науки.. В статье представлены роль предмета «Технология» в общеобразовательной школе и значение в формировании творческих способностей детей, связь теоретических знаний и практики на уроках технологии, а также соображения, необходимые для формирования учащихся как творческих личностей.

Ключевые слова: школа, технология, формирование, развитие, обучение, обучение, умения, компетентность.

Annotation

Today, the importance of the subject «Technology» is increasing in general education schools. This imposes a number of tasks on pedagogic teachers in teaching science. The article presents the role of the subject «Technology» in a comprehensive school and its importance in the formation of children's creative abilities, the connection between theoretical knowledge and practice in technology lessons, as well as considerations necessary for the formation of students as creative individuals.

Key words: school, technology, formation, development, learning, training, skills, competence.

Умумий ўрта таълим мактабларида “Технология” фанининг асосий вазифаларидан бири барча болаларнинг ижодкорлик қобилиятларини шаклланишини ва ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишдан иборат. Бу ўз навбатида “Технология” фани замирида ўтиладиган қуриш-ясаш машғулотларининг мазмуни ва унга бўлган замонавий талабларни ёритиб бериш лозимлигини таъкид этади.

Технология фанининг асосий ташкилий шаклларида бири бу амалий машғулотдир. Амалий машғулот жараёнида дастурда берилган мавзунинг мазмуни очиқ берилади ҳамда технологик таълим ва меҳнат тарбиясининг мақсадлари, вазифалари амалга оширилади. Технология фанидаги амалий машғулотлар турли типда бўлиши яъни техник маълумотларни ва меҳнат жараёнларини ўрганишга, билимларни, меҳнат кўникмалари ва меҳнат жараёнларини ўрганишга, ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш ва ижодий фаолиятни йўлга қўйишга, назорат қилиш ва текшириш ишларини, ишлаб чиқариш жараёнларига экскурсиялар уюштириш ва ҳақозаларга бағишланган машғулотлар бўлиши мумкин[1,56].

Амалий машғулот турларининг хилма-хиллигига қарамасдан, ўқувчиларни навбатдаги машғулот мавзусини ўзлаштириш учун жалб қилишга қаратилган машғулотларни ташкил этиш; ўқувчилар машғулотда ўзлаштирган билимлари, меҳнат кўникмалари ва малакалари даражасини текшириш; янги мавзу материални тушунтириш ва амалий ишларни бажариш вақтида иш босқичларини кўрсатиб бериш; ўқувчиларнинг янги мавзусига оид амалий ишларни бажариш вақтида уларнинг билимини, амалий иш даражасини аниқлаш, иш натижаларини машқлар билан мустақамлаш, ўқувчилар ишини назорат қилиш ва уларни ўз – ўзини назорат қилишига эришиш, амалий топшириқнинг мустақил бажаришлари ва ўтган машғулотнинг натижаларини яқунлашдан иборат.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш шарт-шароитлари деганда, аввало ана шу шарт-шароитларнинг яратилиши, амалга ошириши ҳамда ривожланиши жараёни тушунилади[2,76].

Улар қуйидагилардан иборат :

1. Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда уларнинг бу борада эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалари.
2. Ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда назарий билимлар билан амалиётнинг алоқадорлиги.
3. Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришга технологик ёндашув.

Бу шарт-шароитлар қуйидагича амалга ошади :

Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда улар эгаллаши лозим бўлган билим, малака, кўникмаларга қуйидаги талаблар қўйилади.

- дастур материалларни қай даражада ўзлаштирганлиги;
- танлаган мавзу бўйича топшириқларни мустақил бажара олиши;
- топшириқларни бажаришда ўқув ашёлари ва техника воситаларидан фойдалана олиши;
- ўз қобилиятини намоён этиши ва уни ривожлантира олиши;
- мавзу бўйича ўз олдига эришилаётган мақсадларни қўя олиши, режалар тузиши ва натижаларни баҳолай олиши;
- ўз вариантини тавсия эта олиши ва ҳоказолар.

Мазкур талаблар ўқитувчига ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари, уларнинг ўқув-билув фаолияти, индивидуал мойилликларини билиш имконияти пайдо бўлади ва бу борада ўқув жараёни тузилмасини белгилаб олишга ёрдам беради.

Юқоридаги талаблар асосида муаммога доир таълимни мақсадга мувофиқ ташкил этишнинг устувор йўналишлари белгилаб олинади. Мақсадга мувофиқ ёндашув деганда ўқув- билув жараёни ёки таълим мазмуни, метод ва шакллари тизимининг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришга оид мақсадли йўналтирилган махсус ташкил этилган тузилмаси тушунилади.

Бошланғич синф “Технология” фанидан амалий машғулот турларининг ўзига хос тарбиявий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуриш-ясаш машғулотларининг асосий вазифаларини белгилаб олдик. Булар қуйидагилардир[3,145]:

Вазифаларнинг биринчи гуруҳи – амалий машғулот давомида қуриш-ясаш бўйича асосий билим ва малакаларни ўз ичига олади. Бунда технология турлари ва қуриш-ясаш машғулотларининг ўзига хос тузилиши, қонуниятлари, замонавий тушунчаларнинг назарий ва амалий моҳияти; рангларнинг ўзига хос хусусиятлари; табиий ва ташландиқ материаллар билан ишлаш малакаларини шакллантириш; амалий ишларни бажариш жараёнида орттирган билим, малака ва кўникмаларидан иш жараёнида самарали фойдалана олишга ўргатиш; теварак-атрофда рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб бориш ва айрим қизиқарли ҳолатларни эслаб қолиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда қуриш-ясаш жараёнида ана шулардан фойдаланган ҳолда ўқув топшириқларини бажаришга ижодкорона ёндоша олиш малакаларини шакллантириш кабилар назарда тутилади.

Вазифаларнинг иккинчи гуруҳи – (ўқувчиларнинг дунёқарашларини шакллантириш) - она табиатнинг ижодкор шахс учун битмас-туганмас илҳом манбаи эканлиги (гўзал манзаралар, турли туман мевалар ва уруғлар, чиройли кўринишлардаги дарахт шохчалари, ҳар хил тузилишдаги тошчалар ва шу кабилардан машғулотда фойдаланиш учун йиғиш), уни асраб-авайлаб, муҳофаза қилишга доир тушунчаларни шакллантириш; қуриш-ясаш машғулотларида намуна, атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларга нисбатан қизиқишни таркиб топдириш; қуриш-ясаш машғулотлари жараёнида орттирган билим, малака ва кўникмаларини амалда қўллай олиш малакаларини сингдириш.

Вазифаларнинг учинчи гуруҳи – ўқувчиларни Технология фани замирида ўтиладиган қуриш-ясаш машғулотлари орқали ўқув топшириқларини бажаришда ижодий фикрлашга ўргатиш; фикрлаш ва хотирада сақлай олиш малакаларини ривожлантириш; оламни билишда қуриш-ясаш машғулотларида орттирган тажрибаларига асосланиш; иш жойини қуриш-ясаш машғулотларига тайёрлаш, намуналар ва андазалар, турли намуналар билан мустақил ишлай олиш.

Вазифаларнинг тўртинчи гуруҳига – қуриш-ясаш машғулотлари учун махсус танлаб ўтиладиган мавзулар орқали ижодкор шахсни камол топдириш билан боғлиқ масалалар киради. Бунда ўқувчиларнинг ақлий меҳнат маданиятини оширишга бўлган интилишларини тарбиялаш; камтарлик, меҳнатсеварлик, софдиллик каби инсоний фазилатларни тарбиялаш, турмушда, ҳаётда, меҳнатда ва кишилиқ жамиятида мавжуд бўлган гўзалликларни тўлақонли идрок этиш бўйича ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш кабилар ҳисобга олинади.

Юқорида белгилаб олинган вазифалар биринчи синфдан бошлаб босқичма – босқич амалга ошириб борилади, чунки ўқувчилар ҳали энг оддий буюмларни тайёрлаш операцияларни эслаб қолишга қодир эмаслар. Ҳосил қилинган кўникмалар такрор машқ қилишлар натижасида такомиллашиб боради. Хатога йўл қўймаслик учун ўқувчиларни ўз-ўзини назорат қилишга одатлантириш лозим. Топшириқларни бажариш жараёнида йўл қўйилган хатоларни ўзлари топиб уни тузатмагунларича ҳамда бажарилган ишларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилмагунларича ўқувчилардан ишни қабул қилмаслик лозим. Амалий топшириқларни бажариш жараёнида янги кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. Бу эса қуриш-ясаш жараёни бошланғич синф ўқувчиларининг технологик таълим юзасидан орттирган билим, малака ва кўникмаларидан самарали фойдаланишлари учун имконият яратади [4,606].

Бошланғич синф технология ўқитувчисини ҳам биринчи навбатда ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган фаолиятлар қизиқтиради. Шунга кўра технология фани дастурида кўрсатилган амалий (қуриш-ясаш) машғулотларининг турлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари ўқувчилардаги ижодкорлик қобилиятларини янада кенгрок ривожлантиришига имкон беради. Бу умумий қобилият эса у ёки бу махсус йўналиш (масалан, қуриш-ясаш) асосида намоён бўлиши ҳамда ўзига хос характерда акс этиши мумкин. Хохлаган бир фаолиятга ижодий ёндашиш эса ижод маҳсулининг мазмунини ўзгартиришга сабабчи бўлади. I-IV синф ўқувчиларининг қуриш-ясаш юзасидан билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириш ҳам ана шундай ижодий ёндашиш

лозимлигини тақозо этади. Чунки бундай ижодий ёндашиш: “Ўқувчиларда эстетик ҳис-туйғулар, гўзал нарсаларга эмоционал муносабатда бўлиш, бадиий фаолият ва санъатга бўлган қизиқиш ҳисларини тарбиялайди ҳамда ижодкорлик қобилиятларини шакллантиради”.

Бизнинг фикримизча кичик ёшдаги ўқувчиларга қуриш-яшш юзасидан ижодий тарбия бериш иккита асосий жараёндан: гоёни шакллантириш ва уни қуриш-яшш жараёнига тадбиқ этиш орқали амалга ошириш қабилардан иборатдир. Кичик ёшдаги ўқувчиларда қуриш-яшш юзасидан ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади: ижодий тасаввур, гоё, фикр, мустақиллик, бадиий-техник кўникмалар ва шу қабилар.

Юқорида кўрсатилган мақсад ва вазифаларнинг самарали амалга оширилиши ҳамда малака ва кўникмаларнинг тўғри ўзлаштирилиши бошланғич синф ўқувчиларининг қуриш-яшш машғулотларида орттирган билим, малака ва кўникмалари даражасига ўз таъсирини кўрсатади. Ўқувчиларнинг қуриш-яшш юзасидан эгаллаган билим, малака ва кўникмаларининг даражалари эса қуйидагиларда ўз аксини топади[5,266]:

Шубҳасиз, технология дарсларида қуриш-яшш билан шуғулланиш жараёни ўқувчилардан маълум миқдорда амалий тажрибаларга эга бўлишлари лозимлигини тақозо этади. Бу эса ўз навбатида технология дарсларининг амалиёт билан боғлиқлигида ўз аксини топади. Қуриш-яшш машғулотларида ифодаланадиган воқеа-ҳодисалар, жараёнлар, нарсалар ва шу қабиларни ўқувчи аниқ, реал ёки бадиийлаштирилган ҳолда тасвирлаш учун уларни яхши билиши ҳамда тўла тасаввурга эга бўлиши керак бўлади. Шунинг учун кичик ёшдаги ўқувчиларга расми ишланадиган нарсалар, объектлар, воқеаларнинг мазмуни, шакли, тузилиши, ранги, қандай вазифа бажариши, халқ хўжалиги ёки турмушда тутган ўрни қабилар ҳақида ҳам маълумотлар берилиши керак. Чунки қуриш-яшш машғулотлари юзасидан бериладиган ўқув топшириқлари мумкин қадар ҳаётга яқинлаштирилмоғи лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўлланмаларга асосан технология дарсларида ўтиладиган қуриш-яшш машғулотлари юзасидан ҳам бир-бири билан мантиқий жиҳатдан узвий боғлиқ бўлган топшириқлар мажмуасини яратиш самарали воситалардан ҳисобланади[6,20].

Бошланғич синфларда ўқувчиларга қуриш-яшш машғулотлари орқали таълим-тарбия беришнинг ўзига хос тузилишдаги омилини топиш масаласи ҳозирги кун педагогика фанининг долзарб вазифаси сифатида юзага келди.

Эндиликда, умумий ўрта таълим мактаблари шароитида вужудга келган инқироздан чиқиш учун бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш жараёнини янада такомиллаштирувчи ўқув предметларига зарурият сезилмоқда. Ана шундай ўқув предметлари қаторига “Технология” дарслари ҳам киритилган бўлиб, бу ўқув предмети мазмунида қуриш-яшш машғулотларига доир билим, малака ва кўникмалар ўз аксини топиши замон талаби тарзида номоён бўлмоқда. Шунга кўра “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти” талабларидан келиб чиққан ҳолда “Технология” фани дастурининг мазмунини ишлаб чиқишда меҳнат таълими юзасидан яратилган олдинги дастурларнинг ўзига хос мақсади ва вазифаларини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, бошланғич синфларда ўқувчиларнинг умумий меҳнат тайёргаликларига асос солинади ҳамда келажакда ижодкор шахсни шакллантиришга имкон яратилади. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг тўғри йўлга қўйилган меҳнат тарбияси, таълими ва уларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда бевосита иштироки шу босқичда уларни ахлоқий, ақлий жиҳатдан шакллантириш, жисмоний ривожлантириш, ўқишга, меҳнатга онгли муносабат ва масъулият руҳида тарбиялаш ишида муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки технология фанининг мактабдаги таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни-ўқувчиларни ўз қучларига ишонтириш, дарсга қизиқтириш, тушунтириш орқали олинган билимларга таянган ҳолда уларнинг ижодкорлик қобилиятларини, ижодий тасаввурларини ўстириш; теварак атрофдан олган таассуротларини тузган аппликацияларида, лой ёки пластилидан ишлаган ҳайкалларида, ясаган ўйинчоқларида ифодалай олиш малакаларини амалий йўналишда ривожлантириш ва улардан кундалик турмушда фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантиришдир.

Бошланғич синф технология дарслари жараёнида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш ва уни ривожлантириш учун турли шарт-шароитларларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун таълим талабларини аниқлаш ва шу талаблар асосида унинг устувор йўналишларини изланувчи таълим, муаммоли вазиятлар яратиш ва таълимга технологик ёндашув асосида ташкил этилиши ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш ва уни ривожлантиришнинг самарадорлигига замин тайёрлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Санакулов Х.Р ва бошқалар “Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси”. – Т.: “Тафаккур бўстони”, 2015.
2. Хамидов Ж.А. “Бошланғич синф технология дарсларида ўқувчиларнинг ижодкорлигини оширишда кластернинг аҳамияти.”// Экономика и социум журна. 6-1 (97) сон, 2022.
3. Перевалова Т.В. “Теория и методика обучения технологии”. – Екатеринбург.: 2016.
4. Хамидов Ж.А. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари.”// «Мугаллим ҳам узликсиз билимлендириў» Илмий-методикалық журнал. № 6-сан. 2023. 603-607 б.
5. Khamidov J.A. Development of creativity of 1-4 grade students based on the innovation cluster approach.”// International Bulletin of Applied Science and Technology journal, volume 3, ISSUE 5, May, 2023. ISSN: 2750-3402, UIF = 8.2 | SJIF = 5.955. Page 267-270.
6. Хамидов Ж.А. Бошланғич синф ўқувчиларида инновацион кластер ёндашуви асосида ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш.”// “Халқ таълими” илмий-методик журна. № 3. 2023. 19-21 б.

FUTBOL DARVOZABONINING OYOQ BILAN TO'P UZATISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH USULLARI

Javlon Zulxaydarov,
Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari markazi
tayanch doktoranti
Bekmurod Anorboyev,
Chirchiq davlat pedagogika universiteti
o'qituvchisi

Annotatsiya

Bugungi zamonaviy futbol o'z jozibasi kundan kunga ortib futbol ilmi va taktikalar juda tuslanib bormoqda. Futbol o'yinida darvozabonning o'rni va ahamiyati, uning nafaqat darvozabon balki maydon o'yinchisi sifatidagi roli ham kengayib bormoqda. Darvozabonlarning nafaqat qo'l bilan balki oyoq bilan ham o'yinlarda ishtiroki ko'payishi hujumlarni tez va aniq amalga oshirish imkoniyatini bermoqda. Quyida futbol darvozabonlarining oyoq bilan to'p uzatmalarini samarali amalga oshirish yo'llari tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: to'p nazorati, qisqa uzatmalar, uzun passlar, bir tegishda uzatma, bosib o'tilgan masofa, hujum boshlash.

Аннотация

Сегодняшний современный футбол становится все более привлекательным. Расширяется роль и значение вратаря в футбольной игре, его роль не только как вратаря, но и полевого игрока. Все большее участие вратарей в играх не только руками, но и ногами дает возможность быстро и точно осуществлять атаки. Ниже представлен анализ способов футбольных вратарей эффективной передачи мяча ногами.